

# Япониянинг дунёга машҳур "Ajinomoto" корпорацияси вакиллари "Чирчиқ" кимё-индустриал технопаркига ташриф буюришди

// 15 Sentabr 2025 йил

<https://special.uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/yaponiyaning-dunyoga-mashhur-ajinomoto-korporaciyasi-v-akilla>



[@chempark](#) | [www.chemparks.uz](http://www.chemparks.uz)

"Ajinomoto" - 1909-йилда ташкил этилган корпорация бўлиб, озиқ-овқат, зирavorлар, аминокислоталар ва фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича дунёда етакчилардан

бири ҳисобланади.



 @chempark | [www.chemparks.uz](http://www.chemparks.uz)

"Ajinomoto Co., Inc." компаниясининг катта вице-президенти ва ижрочи директори жаноб Ёшитер Масай бошчилигидаги делегациянинг ташрифи янги ишлаб чиқариш мажмуасини жойлаштириш учун "Чирчиқ" технопарки салоҳиятини ўрганишга қаратилган.



[@chempark](#) | [www.chemparks.uz](http://www.chemparks.uz)

Ташриф давомида меҳмонлар технопаркнинг саноат инфратузилмаси, логистика имкониятлари, шунингдек, муваффақиятли амалга оширилган лойиҳалар билан танишди.

"Чирчиқ" кимё-индустриал технопарки тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича фаол ишларни давом эттириб, ўзини бизнес юритиш учун замонавий ва юқори технологияга эга саноат майдони сифатида намоён этмоқда.